

СЎЗ ЛЕКСИК МАЪНОСИНИНГ ҲОСИЛА МАЪНО ЮЗАГА КЕЛТИРИШИ**Ойгул Махмудова Тохиржонова**

Фарғона давлат университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7118036>

Аннотация. Мақолада дунё тилишуосларининг сўз лексик маъносининг ҳосила маъно юзага келтиришига доир илмий-назарий қараишлари берилган. Сўзнинг семантик тараққиёти масаласи семасиологиянинг энг муҳим томони бўлиб, унинг тарихи ва ҳозирги билан чамбарчас боғланади. Лекин шу билан бирга унинг бошқа томонлари ҳам бор. Бу эса лексик маънонинг семантик таркиби, сўзнинг семантик ҳажмидаги аҳамияти, ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабати ва ҳ. Сўз семантик тараққиётини мантиқий-семантик асосда тадқиқ этиши семасиологияда алоҳида соҳа сифатида илгари сурилган даврдан аввал бошланган эди. Ушбу мақолада профессор М.Миртожиев тадқиқотлари мисолида сўзларнинг асосан семантик тараққий этиши ва сабаблари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: лексик маъно, ҳосила маъно, референт, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, полисемантик сўз.

ОБРАЗОВАНИЕ ЛЕКСИЧЕСКОГО ЗНАЧЕНИЯ СЛОВА В ДЕВИРАТИВНОЕ

Аннотация. В статье представлены научно-теоретические взгляды мировых языковедов на создание производного значения лексического значения слова. Вопрос о семантическом развитии слова является важнейшим аспектом семасиологии и тесно связан с ее историей и современностью. Но в то же время он имеет и другие аспекты. Это семантическая структура лексического значения, значимость слова в его смысловом объеме, взаимная парадигматическая и синтагматическая связь и др. Изучение семантического развития слов на логико-семантической основе началось еще до того периода, когда семасиология была выделена в отдельную область. В данной статье на примере исследований профессора М. Миртожиева рассматриваются основные семантические развития слов и их причины.

Ключевые слова: лексическое значение, словообразовательное значение, референт, метафора, метонимия, синекдоха, функция, многозначное слово.

FORMATION OF THE LEXICAL MEANING OF A WORD INTO A DEVIRATIVE

Abstract. The article presents the scientific and theoretical views of world linguists on the creation of a derivative meaning of the lexical meaning of a word. The question of the semantic development of the word is the most important aspect of semasiology and is closely connected with its history and modernity. But at the same time it has other aspects as well. These are the semantic structure of lexical meaning, the significance of a word in its semantic volume, mutual paradigmatic and syntagmatic connection, etc. The study of the semantic development of words on a logical-semantic basis began even before the period when semasiology was singled out as a separate area. In this article, on the example of research by Professor M. Mirtozhiev, the main semantic developments of words and their causes are considered.

Keywords: lexical meaning, derivational meaning, referent, metaphor, metonymy, synecdoche, function, polysemantic word.

КИРИШ

Рус тилшунослари асосан Европа тиллари тилшунослигига таяниб, ҳосила маъно юзага келишини тасниф қилишган бўлса ҳам, кўринишини белгилашда гоҳ бир, гоҳ ундан ортиқ фарқ қилишганлиги кўзга ташланади.

Рус тилшуноси Л.А.Булаховский ҳосила маъно юзага келишини олти кўринишда қайд этади: 1) метафора (кузнечик - кичик темирчи, чигиртка), вазифадошлик (перо - пат, пўлатдан ишланган ёзув куроли), эмоционаллик (голубчик - каптарча, суйгунчак бола), метонимия (пота — тер, меҳнат), халқ этимологияси (давлетъ - етишмоқ, босмоқ), алоқадорлик (небо - осмон, танглай). Мазкур ишда синекдоха метонимиянинг бир кўриниши деб қайд этилган.[12,58]

Баъзи немис, француз, инглиз ёки араб лексикологияси билан шуғулланган рус тилшунослари фақат метафора ва метонимияни кўрсатиш билан чегараланганлар.

А.А.Реформатский тўғридан-тўғри тўрт кўринишда деб бергани ҳолда, у Д.Н.Шмелевдан фарқли синекдохани алоҳида ҳодиса сифатида талқин қилади.[17,56]

Арман тилшуноси Э.Б.Агаян Д.Н.Шмелевда анча илгари ҳосила маъно юзага келишини худди унга ўхшаш ҳолда синекдохани метонимия таркибида санаб, уч кўринишдан иборат деб билган.[16,57]

Туркий халқлар тилшунослигида ҳам бу ҳодиса шу таснифлар доирасида кўринишларга ажратилган. Қозоқ тилшуноси Г.Г.Мусабоев, шунингдек озарбайжон тилшуноси С.Жафаров, рус тилшуноси А.А.Реформатский таснифига қўшилган. Қорақалпоқ тилшуноси Е.Бердимуратов фақат метафора ва метонимияни тан олади.[1,128] Бошқирт тилшунослигида худди шу йўл тутилгани ҳолда, метонимия таркибида синекдоха ҳам келтирилади.

Татар тилшуноси К.С.Сабилов ҳосила маъно юзага келишини беш кўринишда деб билади: ўхшашлик (метафора), алоқадорлик (метонимия), вазифадошлик, камраш доирасига кўра, хусусият яқинлигига кўра.[1,129]

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбек тилшунослари ҳосила маъно юзага келишини тасниф этишда асосан А.А.Реформатский билан ҳамфикрлик қилганлар: Фақат уч дарслик муаллифлари фарқли қараш билан чиқишган. Р.А.Бигаев ва П.А.Даниловлар ўзларининг ҳамкорликдаги дарсликларидида ҳосила маъно юзага келтирувчи ҳодисаларнинг ҳаммасини метафора деб кўрсатишган. О.Азизов синекдохани метонимия таркибига киритиши билан юқоридагилардан фарқланади.[6,144] Я.Пинхасов ўз дарслигида вазифадошликни тилга олмайди.

М.Миртожиев фикрича эса, сўз ҳосила маъносининг юзага келиши ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари муносабатига асосланган экан, унинг таснифида ҳам шу муносабатга асосланиш тўла объектив бўлади.[1,130] Шу нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, А.А.Реформатский таснифида анча аниқлик бор, деб ҳисоблайди. Ўзбек тилшуносларининг у билан ҳамфикр бўлишларида ҳам жон бор. А.А.Реформатский сўз ҳосила маъноси юзага келишини тасниф қилар экан, ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари муносабатини аниқ чегаралаб ола билган. Миртожиевнинг қарашларида сўз ҳосила маъносининг юзага келиши ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўртасидаги ўхшашликка асосланса метафора, алоқадорликка асосланса метонимия, бутун ва бўлак муносабатига асосланса синекдоха, бирини иккинчиси ижтимоий ҳаётдан суриб

чиқаришига асосланса, вазифадошлик деб қаралади. Бу кўринишларнинг ҳар бири ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўртасидаги ўзига хос муносабатларга кўра бири-биридан фарқ қилиши, ўзаро чегараланиши акс этади.

Кўрдикки, ҳосила маъно юзага келиши тўрт кўринишда бўлиб, улар метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошликдан иборат.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Профессор М.Миртожиев ҳосила маъно бирор сўз лексик маъноси референти билан объектив борлиқдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ёки сезги кабилардан бири алоқадор ёки муносабатда бўлганлиги учун, унинг номида аталиб кетиши орқали юзага келади, деб ҳисоблайди. [4,3] Яъни сўз лексик маъноси иккинчи бир лексик маънони ҳосил қилади. Шунинг учун кейинги лексик маъно ҳосила маъно деб номланади. Ўша нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ёки сезги кабилардан бири ҳосила маъно референти эканлиги ҳолда, ҳосил қилувчи лексик маъно референти билан муносабатда бўлади. Мисол сифатида *ўйин* сўзини келтиради. *Ўйин* сўзи ‘кўнгил очиш’ ‘эрмак мақсадидаги’ ‘машғулот’ лексик маъносига эга: *У жуда зеркиб нима ўйин ўйнашини... билмас эди* (Ойбек). Ундан ‘рақс’ ҳосила маъноси юзага келди: *Ўйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсунбиби йўрғалай кетди* (А.Қодирий). *Ўйин* сўзининг бу лексик маъно ва ҳосила маъно референтлари ўртасида муносабат бўлгани учун, биридан иккинчиси юзага келган. Уларнинг иккиси ҳам от туркумидаги бир сўз таркибига киради.

Профессор М.Миртожиев ҳосила маънонинг юзага келиши ва ёндош ҳодисаларни шундай изоҳлайди: сўзнинг муайян лексик маъноси тараққиётига кўра ҳосила маъно юзага келар экан, у ўзи оид булган сўз қайси туркумга оид бўлса, шу туркумдан бошқа туркумга ўтиб кетмайди: ҳосил қилувчи лексик маъно билан ҳосила маъно маълум туркумдаги бир сўзга мансуб эканлиги ҳолда ўша сўз туркумида қолади. [1,149]

Масалан, *олтин япроқ* бирикмасидаги *олтин* сўзи **раНi** белгисини билдирган. *Олтин* сўзидаги лексик маъно ‘сарик’ ‘жилоли’ ‘қадрли’ ‘металл’ ифодасига эга эди. Бу ифода - от туркумига мансуб. У оид бўлган *олтин* сўзи ҳам от туркумидадир. Лекин келтирилган бирикмада бу сўз белги билдирган. Белги билдириш сифат туркумига хос. Шундай бўлгач, *олтин* сўзида ҳосила маъно юзага келган деб бўлмайди. Бу ўринда *олтин* сўзи мавжуд лексик маъносининг фақат бир ‘сарик’ семаси билан воқеланган. От туркумига мансуб бундай сўзлар ўз лексик маъносининг бир семаси билан воқеланиши эпитет деб қаралади. Профессор М.Миртожиев эпитетлар нутқий ҳодиса эканлигини таъкидлайди. [4,151]

Лексик маъно тараққиётида референтларнинг муҳим белгиси катта аҳамият касб этади. Айрим ҳолатларда шахснинг муҳим белгиси номи билан аталганлиги кузатилади. Масалан, чўлоқ, найнов, пакана кабиларни олим ҳосила маънонинг юзага келиши эмас, субстантивация деб ҳисоблайди.

Профессор М.Миртожиев қарашларида яна шуни кўриш мумкинки, сўз ўз туркумини ўзгартириши, иккинчи туркум вазифасини олиши, ёрдамчи сўзга айланиши конверсия деб аталиб, ҳосила маъно юзага келиши билан алоқаси йўқ. Ҳосила маънонинг юзага келиши ҳосил қилувчи лексик маъно оид бўлган сўзнинг туркуми доирасида ўтиб, янги лексик маъно даражасида, ўз референтига эга ҳолда кузатилади.

Ҳосила маънонинг юзага келиши бутун ва бўлак муносабатида ҳам ўз аксини топади. Бутун ва бўлак муносабати микдорий яхлитлик ва унинг бир донаси ҳолида ҳам бўлиши мумкин. М.Миртожиев бунга мисол сифатида *тук* сўзи семантикасига эътибор беради. У сут эмизувчилар терисидаги мугуз қатламини ҳам билдиради, теридаги ҳар бир мугуз толани ҳам ифодалайди. Илмий қарашларини ушбу мисоллар билан изоҳлайди: *У... юзини қизғини тук босган... жангчидан ўрганди* (Ойбек) *Дарёдан бир томчи, тўнғиздан бир тук* (мақол). Аввалги гапдаги *тук* сўзи микдорий яхлитликни билдирса, кейинги гапда бир толани ифодалаяпти. Уларнинг бири ҳосил қилувчи ва бири ҳосила маънолардир. Улар микдорий яхлитлик ва унинг бир донаси ўртасидаги муносабатга кўра ҳосила маъно юзага келишини акс эттирган.

Кўрдикки, сўзнинг бирлик шакли кўпликни ифода этиши, яъни бирлик ва кўплик ўртасидаги муносабат билан микдорий яхлитлик ва унинг донаси ўртасидаги муносабат ўзаро фарқ қилади. Бирлик шаклидаги сўз кўпликни ифода этиши ҳосила маънони юзага келтирмайди. Ҳосила маъно юзага келар экан, у ўз референтига эга бўлади.

М.Миртожиев нуқтаи назари билан айтганда, ҳосила маъно бир сўзнинг муайян лексик маъносидан юзага келади. Агар сўз бирор сўз билан бирикмага киришиб, бирикма маъносини ҳосил қилар экан, унинг компонентлари бўлган сўздан ҳосила маъно излаш тўғри бўлмайди. Чунки бирикмада фразеологик маъно бўлиб, у бутун бирикма таркибидаги ҳамма сўзлар учун умумийдир. Улар бутунлигича бир тирик жон ҳисобланади. Ҳосила маънонинг юзага келиши кўпроқ референтлар қиёсига асосланганлиги учун, айрим ҳолларда ўхшатиш қурилмаси ҳам унга (метафорага) мисол тариқасида келтириб юборилади.[4,153]

МУҲОКАМА

Шундан келиб чиқиб бир қатор мутахассислар: “Метафора ўхшатишнинг қисқарган шакли” - деган фикрни билдирадilar. Демак, ҳосила маъно ўзи оид бўлган сўзнинг бирор лексик маъносидан юзага келиб, шу сўз киритиладиган бирикма ёки қурилма маъносига алоқадор бўлади.

Олим ясама сўзларнинг ҳам лексик маъноси тараққий этиши ва у ҳам ҳосила маънони юзага келтириши табиий семантик ҳодиса эканлигини таъкидлайди. Умуман полисемантик ясама сўзлар тилда салмоқли қисмни ташкил қилади. Уларнинг кўп қисми ясама маънонинг семантик тараққиёти, ҳосила маъно бериши билан боғлиқдир. Шу билан полисемантик ясама сўзларнинг ҳаммаси ҳам ҳосила маъно ҳисобида таркиб топган деб бўлмайди. Уларнинг каттагина қисми ясамадаёқ полисемантик ҳолда юзага келганлиги кузатилади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳосила маънонинг юзага келиши, хоҳ туб сўз бўлсин, хоҳ ясама сўз бўлсин, унинг фақат бирор лексик маъноси тараққиёти натижасида янги лексик маънонинг юзага келиши бўлади. Сўз аффиксациясига кўра ясалган ясама маънолар унинг учун даҳлсиздир.

ХУЛОСА

Сўз лексик маъносининг барча кўринишлардаги тараққиёти объектив оламдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ва белги кабиларнинг ўзаро доимо алоқада бўлиши, уларнинг бир бутун ҳолатда тушунилиши ва булар тилда ўз аксини топиши натижаси, экстралингвистик сабабдир.

Сўз лексик маъносининг тараққиёти моҳиятига кўра уч кўринишга бўлинади: 1) сўз лексик маъносининг ҳосила маъно юзага келтириши; 2) сўз лексик маъносининг кенгайиши ва торайиши; 3) эвфемизм ва дисфемизм.

Сўз лексик маъносининг ҳосила маъно юзага келтириши сўзнинг ўз референти билан қандайдир муносабатда бўлган референтига эга янги лексик маънони ҳосил қилишидир. Ҳосил қилувчи ва ҳосила лексик маънолар бир сўзда бир туркум хусусиятига эга бўлиши шарт. Ҳосила маъно ҳамма вақт ўз референтига эга ҳолда нутқда воқеланади.

Сўз ҳосила маъносининг юзага келиши икки нуқтаи назардан кўринишларга тасниф қилинади: 1) у ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари муносабатига кўра беш: ўзаро ўхшашлигига асосланса - метафора, алоқадорлигига асосланса - метонимия, бири бутун ва иккинчиси унинг бўлаги эканлигига асосланса - синекдоха, бирининг вазифасидан иккинчиси суриб чиқаришига асосланса - вазифадошлик, бирининг ҳаракати ёки ҳаракати цикли иккинчиси бўлишига асосланса - тобелилик каби кўринишларга ажралади; 2) ҳосила маъно сифати, яъни прагматик семага эга ёки эга эмаслигига кўра прагматик семали ҳосила маънолар, прагматик семасиз ҳосила маъноларга бўлинади.

REFERENCES

1. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т., 2010;
2. Сафаров Ш. Семантика. –Т.: ЎЗМЭ, 2013. – Б.105.
3. Алиқулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке: АКД. –Т., 1966.
4. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Тошкент: ФАН, 1975. –Б.3.
5. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Биринчи китоб. –Т.: Мумтоз сўз, 2010. – Б.40-79;
6. Нурмонов А. ТА. III жилд. – Б.142-163;
7. Турсунов У ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили.3-нашри. –Т.: Ўқитувчи, 1992;
8. Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Kasb-hunar kolleji va akademik litseylar uchun darslik (III jildlik). II qism. –Т.: Ilm-ziyo, 2010. – Б.26-44.
9. ЎТИЛ. 5 жилдлик. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2006-2008.
10. Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. –Тошкент: “Академнашр”, 2014/6
11. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – М., 1960.
12. Булаховский Л.А. Введение в языкознание, ч. II. – С. 57-68.
13. Raucvska N. English Lexicology. – Kuib, 1961. –Р. 102-123.
14. Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию и лексикологии. – М., 1959. – С.153.
15. Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – М., 1964. –С. 57.
16. Реформацкий А.А. Введение в языкознание. стр. 54-60.
17. Умарова Н.Р. THE CONCEPT “WORD” IN NAVOI'S WORKS // ФарДУ. Илмий хабарлар, 2020. – №4. –Б. 127-130. [10.00.00 № 20]
18. Umarova N.R. The interpretations of the nation “CONSEPT” // ERPA internati Rustamovna, U. N., & Toxirjonovna, M. O. (2022). Polysemy-Semantic Universal. International Journal of Culture and Modernity, 14, 11-15.

19. Umarova N.,Maxmudova O.Tilshunoslikda leksik ma'no va tushunchaning umumiy va xususiy xarakterlanishi. O`zMU xabarlari (2022 1/3)
20. M.O.Tokhirjonovna.Semantics of the Word in Children's Speech. *International Journal of Culture and Modernity* 17, 267-273.
21. M.O.Tokhirjonovna. VOCABULARY DEVELOPMENT IN ONTOGENESIS IN PRESCHOOL CHILDREN. *Modern Journal of Social Sciences and Humanities* 5, 375-379.
22. S.N.Olimovna. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA HAR BIR YOSH GURUHIDA TEVARAK ATROFNI IDROK ETISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *Results of National Scientific Research* 1 (1), 115-119.
23. Toxirjonovna, O. M. (2021, October). SOZ TURKUMLARINI TASNIFLASHDA INTERFAOL METODLARDAN UNUMLI FOYDALANISH JARAYONIDA KOMPETENSIYAVIY USULLARNING QOLLANISHI. In " *ONLINE-CONFERENCES*" *PLATFORM* (pp. 219-224).
24. Maxmudova, O. (2022). ONA TILINI ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O 'RGANISH. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 4), 97-104.
25. Rustamovna, U. N., & Toxirjonovna, M. O. (2022). Polysemy-Semantic Universal. *International Journal of Culture and Modernity*, 14, 11-15.
26. Abdumalik o'g'li, O. R. (2021). THE BRIEF INVESTIGATION OF CONTEMPORARY SPEECH STYLES OF THE ENGLISH LANGUAGE. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 1280-1283.
27. Рахмонова, Д. М. МУЛОҚОТНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ: ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРЛИ ФУҚАРОЛАР БИЛАН ИШЛАШ МУАММОЛАРИ. *INVOLTA*.